Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ЧИҚА БОШЛАГАН ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН | 21 август 1971 йил, шанба ◆ № 192 (15.062). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Горький областининг автомобиль ва химия саноати корхоналарида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қилинаётган ишлар тўғрисида

КПСС Марказий Комитети автомобиль саноати министри ўртоқ А. М. Тарасовнинг химия саноати министри ўртоқ Л. А. Костандовнинг, Горький область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. И. Масленковнинг Горький областидаги автомобиль ва химия саноати корхоналарида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун қилинаётган ишлар тўғрисидаги докладларини тинглади.

Қабул қилинган қарорда айтиладики, бутун мамлакат меҳнаткашлари каби мазкур корхоналарнинг коллективлари ҳам КПСС XXIV съезди томонидан халқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифаларни бажариш устида зўр иштиёқ билан ишламоқдалар.

Автомобиль ва химия саноати министрликлари корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятларига раҳбарликни яхшиладилар, экономика масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Горький область, шаҳар, район, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг ички резервларини топиб ишга солишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга сафарбар қилиш ишларини кучайтирмоқдалар. Бу масалалар партия комитетларининг пленумларида ва бюроларида, партия йиғилишлари, ишчиларнинг йиғилишларида, илмий-ишлаб чиқариш конференцияларида тез-тез кўриб чиқиладиган бўлиб қолди. Горький автомобиль заводи ва Черноречинск химия комбинати илғор ишчиларининг ташаббуси билан область корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишнинг бригада ва шахсий планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ишловчилар сонини камайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳаракати авж олиб кетди. Мана шуларнинг ҳаммаси областдаги автомобиль ва химия саноати корхоналарининг иш натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу корхоналар давлат план топшириқларини асосан муваффақиятли бажармоқдалар. Биринчи ярим йил плани ва социалистик мажбуриятлари муддатидан олдин бажарилиб бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 80 процентидан кўпроғи меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ана шу якунларга ижобий баҳо бериш билан бирга, шуни қайд қилиб ўтдики, Автомобиль ва Химия саноати министрликлари, КПСС Горький область комитети, кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари партия XXIV съездининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида ўз ишларини қайта қуришда сусткашлик қилмоқдалар, корхоналар энг кам харажат билан энг яхши натижаларни қўлга киритишда лозим бўлган даражада ташаббускорлик кўрсатмаётирлар, ижодий йўл тутиб қунт билан ишламаётирлар. Министрликлар ва корхоналар фан-техника ютуқларини жорий қилиб, ишлаб чиқарилаётган машиналар ва материалларни янгилаб, мавжуд қувватлардан, меҳнат ва моддий ресурслардан тағин ҳам рационалроқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга доир ишлаб чиқилган конкрет перспектив планларга эга эмаслар.

Корхоналарни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга лозим бўлган даражада эътибор берилмаётир. Автомобиль заводларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмини янгилаш чўзиб юборилмоқда, ўхшаш корхоналарнинг илғор технологияни жорий қилиш тажрибасидан жуда кам фойдаланилмоқда. Областнинг химия корхоналарида кўпгина ишлаб чиқариш цехлари қолоқ техникадан ва технологиядан фойдаланмоқдалар, уларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари паст. Автомобиль саноати ва химия саноати корхоналарида асосий ва ёрдамчи ишлар секинлик билан механизациялашганлиги ва автоматлашгани сабабли қўл меҳнатининг улуши катта. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш нисбатан тез суръатлар билан ўсиб бораётган бўлса ҳам, аммо, янги буюмларни ва материалларни ишлаб чиқариш секинлик билан ўзлаштирилмоқда. Автомобиль техникасининг, химия маҳсулотларининг ва материалларнинг баъзи турлари техника даражаси жиҳатидан ҳозирги замон талабларига жавоб беролмайди.

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва кооперативлаштиришни кенгайтириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш имкониятларидан тузук фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқаришни бошқариш методларини такомиллаштиришда сусткашлик қилинмоқда.

Горький область, шаҳар ва район партия комитетлари хўжалик, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолиятини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга етарли равишда йўлламаётирлар, кадрларни мана шу муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялашга етарли эътибор бермаётирлар. Партия комитетлари мана шу масалаларга доир ўзларининг қарорларини ҳамиша ҳам тегишли ташкилотчилик ишлари ва сиёсий ишлари билан мустаҳкамламаётирлар, мўлжаллаб қўйилган тадбирларни амалга оширишда қунт билан ишламаётирлар. Бошланғич партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини назорат қилиб туриш тўғрисида ўзларига берилган ҳуқуқдан ҳали ҳам тўла равишда фойдаланмаётирлар, янги техникани жорий қилиш, ҳар бир маҳсулот учун сарфланадиган меҳнатни қисқартириш, хом ашё ва материалларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш планларининг бажарилишига ҳамиша ҳам амалий таъсир ўтказмаётирлар.

Хўжалик кадрларини жой-жойига қўйишда талайгина камчиликлар бор. Область корхоналарида ишчиларнинг ва ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларининг малакасини ошириш борасида вужудга келган практика ҳозирги талабларга мос бўлмай қолди.

Қарорда уқтириб айтилдики, партия XXIV съездининг қарорларида ва Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кескин равишда ошириш борасида қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган меҳнат ва сиёсий активлиги министрликларнинг ва партия комитетларининг ташкилотчилик фаолияти билан қай даражада мустаҳкамланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Саноатнинг техникавий ва ташкилий проблемаларини ҳал этишда хўжалик ва партия раҳбарларининг ташаббус кўрсатиб ижодкорлик билан ишлашлари, меҳнаткашлар коллективларининг диққат-эътиборини ва куч-ғайратини ишлаб чиқаришни тўхтовсиз такомиллаштиришга ўз вақтида йўллай билишлари ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилинади.

Марказий Комитет Автомобиль саноати ва Химия саноати министрликларидан ҳамда КПСС Горький область комитетидан фан-техника тараққиёти суръатларини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқарув методларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ишларини қатъий равишда яхшилашни талаб қилди. Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ишларини корхоналарнинг технология жараёнларини интенсивлаштириш, янги қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартиш, ускуналардан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш, моддий ресурсларни ва сарфланаётган меҳнатни тежаш ишларини активлаштириш таклиф қилинди. Корхоналарнинг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун курашга кенгроқ тортиш таклиф этилди. Шу мақсадда коллективларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг хилма-хил формаларидан яхшироқ фойдаланиш, хўжалик ҳисобини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, партия XXIV съезди қарорларини муҳокама қилиш чоғида меҳнаткашлар киритган таклифларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети Автомобиль саноати министрлиги зиммасига яқин йилларда Горький областидаги автомобиль саноати корхоналарида технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда юқори поғонага ва юқори иқтисодий кўрсаткичларга, шунингдек ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини ошириш, яъни юк кўтариши, пишиқлиги, тежамлилиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширди.

Химия саноати министрлигига Дзержинский химия комплекси корхоналарини хом ашёнинг тағин ҳам тежамлироқ турларидан фойдаланиш, ҳар бир агрегатнинг қувватини тағин ҳам кўпроқ ошириш, иш унуми юксак технология жараёнларидан фойдаланиш асосида техника жиҳатдан тубдан реконструкция қилиш планини ишлаб чиқиш, шу билан бирга меҳнат унумдорлигини оширишни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, биринчи галда полимер материалларнинг ва органик синтез маҳсулотларининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Область, шаҳар, район, партия комитетларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси шуки, дейилади қарорда, улар бундан буён ҳам омманинг меҳнат ғайратини ҳар томонлама ошира беришлари, КПСС XXIV съездининг Директиваларини ҳеч сўзсиз бажаришга, ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга коммунистларни, областнинг барча меҳнаткашларини сафарбар қилиш борасида ташкилотчилик ишларини ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари лозим. Меҳнаткашларнинг қимматли ташаббуслари ва бошлаган ишларининг қўллаб-қувватланиши ва ёйилиши, социалистик мусобақани ташкил этиш такомиллаштирилиши, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги оширилиши, меҳнат материал ва пулни энг кам сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтирилиши ва маҳсулот сифатини оширишга асосий диққат-эътибор берилиши керак. Мамлакат экономикасини ўстириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш суръатлари ҳам ҳар бир меҳнаткашнинг ишлаб чиқаришга шахсан ўзи қўшаётган ҳиссага бевосита боғлиқ эканлигини унинг ўзига англатиш зарур.

Меҳнаткашлар коллективларининг раҳбар ядроси бўлган бошланғич партия ташкилотларининг ролини бундан буён ҳам оширавериш, марксизм-ленинизмни ўрганишни такомиллаштириш, сиёсий ўқувни конкрет ишлаб чиқариш вазифалари билан қўшиб олиб бориш, партиянинг ҳар бир аъзоси партия сиёсатини амалда онгли равишда ўтказувчи бўлишига, ўз зиммасидаги вазифаларни ҳалол бажаришда ўрнак бўлишига, техника тараққиёти учун актив курашчи бўлишига эришиш айниқса зарур. Цех партия ташкилотларининг ва партия группаларининг фаолиятини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан алоқадор вазифаларни амалга оширмоқ учун уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

КПСС Горький область комитетига область экономикасини комплекс ривожлантириш, янги объектларни рационал равишда жойлаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш таклиф этилди. Ихтисослаштиришни ва ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш, маҳаллийчилик ва фақат идоравий манфаатларни кўзлаш ҳолларига кескин равишда қарши чиқиш таклиф этилди. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қилинаётган сарфларнинг иқтисодий жиҳатдан асосли бўлиши учун, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш учун хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик оширилиши керак.

Автомобиль саноати ва Химия саноати министрликлари, КПСС Горький область комитети, корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари олдига ишлаб чиқариш коллективларининг социал ривожланишини планлаштириш тажрибасидан кенг фойдаланиш, ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш билан алоқадор тадбирларни системали равишда амалга ошираверишвазифаси қўйилди.

Барча министрликлар ва идораларга ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга доир ташкилотчилик ишини кучайтириш тавсия этилди. Ҳар бир корхона бўйича техникани тубдан янгилашнинг узоқ муддатли программаси ишлаб чиқилиши керак. Бу ишда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг, меҳнаткашлар коллективлари ва айрим ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга, тежамкорлик ва иқтисод қилишга қаратилган план-мажбуриятларни ишлаб чиқишга доир ижодий ташаббусларидан кенг фойдаланиш лозим.

КПСС Марказий Комитети министрликлар ва идоралардан қўл меҳнатини камайтириш, оғир ишларни механизациялашни ва зарарли ишларни автоматлаштиришни тезлаштириш тадбирларини зўр бериб ва изчиллик билан амалга оширишни талаб қилди. СССР Госпланига ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш учун техника воситаларини ва аввало оғир ҳамда сермеҳнат ишларни механизациялаш учун техника воситаларини ишлаб чиқаришни мумкин қадар кўпайтириш имкониятларини тегишли министрликлар ва идоралар билан биргаликда қидириб топиш вазифаси топширилди.

КПСС Марказий Комитети Свердловск область ва Рибинск шаҳар партия ташкилотларининг меҳнатни илмий уюштиришга доир иш тажрибалари, Шчекино химия комбинатининг коллективи ишловчиларни қисқартириш билан бир вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир иш тажрибалари сингари меҳнат унумдорлигини ошириш ишидаги прогрессив йўналишларни кенг ёйиш зарурлигига барча хўжалик раҳбарларининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат ва эътиборини жалб қилди.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашлар илғор коллективларининг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тажрибаларини систематик равишда ўрганишни ва ёйишни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига тавсия қилди. Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг куч ва ғайратини КПСС XXIV съезди қўйган мана шу асосий иқтисодий вазифани ҳал этишга тағин ҳам изчиллик билан мунтазам равишда йўллаб туриш керак.

Сирдарё области. Ильич районидаги Герман Титов номли совхознинг пахтачилик бригадаларига асосан тажрибали коммунистлар раҳбарлик қилишмоқда. Коммунистлардан Равшан Абдуллаев, Ҳолдор Исмоилов ва Мамад Жўраев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар коллективи беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга аҳд қилдилар. Бу ташаббускор бригадаларнинг аъзолари беш йилликнинг биринчи йилида гектаридан 40 центнерли ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: пешқадам бригада бошлиқлари Р. Абдуллаев, Ҳ. Исмоилов ва М. Жўраев ўртоқлар.

А. Поляков ва А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси хабар беради: Ўзбекистон саноати ходимлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, янги беш йиллик биринчи йили планини муддатидан олдин адо қилиш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, маҳсулотни реализация қилиш ва бир қанча энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш саккиз ойлик планини 20 августда бажардилар.

Ем-хашак тайёрлаш ойлиги давом этмоқда

СЕРҒАЙРАТ ОДАМЛАР

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозининг коммунист Эшонқул Уллашов бошлиқ бригадаси азаматлари пахта билан бир қаторда 30 гектар майдонга маккажўхори уруғи қадаган эдилар. Бригаданинг серғайрат аъзолари экинни оби-тобида парвариш қилиб мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан пландаги 420 центнер ўрнига 850 центнердан кўк поя олинди.

Маккажўхори ҳосилини фермаларга ташишда тракторчилардан Сафар Бекназаров, Файзулла Норов, Эшмамат Ўроқов ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатишди. Маккажўхорини ўриб-йиғиб олишда комбайнчи Қувват Раимовнинг ҳам хизмати катта.

Бригада меҳнатсеварлари шу кунларда такрорий маккажўхори экишга тайёргарлик кўришяпти.

Ш. ОМОНОВ.

СТУДЕНТЛАР ҲИССАСИ

Андижондаги гидромелиорация техникуми студентлари Марҳамат районидаги Ильич номли колхозда бўлиб, чорвадорларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Улар уч кун давомида 12 тоннадан кўпроқ дағал хашак жамғаришди. Айниқса 37 ва 39-группа талабалари баракали меҳнат қилдилар. Бу группалардаги ҳар бир студент 65-70 килограммдан хашак тўплади.

Техникум талабалари бўш вақтларида далаларга чиқиб, дағал хашак жамғаришни давом эттиришяпти.

А. АҲМЕДОВ.

СЕНАЖ СЕРОБ

Сирдарё районидаги «Малик» совхози чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш соҳасида республикамиздагина эмас, балки Иттифоқда ҳам донг таратган. Коллектив бу шуҳратга мустаҳкам озуқа базаси яратиш ва молларни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиш туфайли эришмоқда. Бу йил ҳам худди шундай қилинаётир.

Чорва моллари учун бир ярим йилга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғаришга аҳд қилган маликликлар сенаж бостиришни кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Кейинги беш кун ичида бу ерда тўрт юз тоннага яқин сенаж бостирилди.

ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА

МИНСК ОБЛАСТИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

МИНСК, 19 август. (ТАСС). Бугун Минск областининг байроғида иккинчи Ленин ордени порлади. Бу — область меҳнаткашларининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида саккизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун берилган мукофотдир.

Белоруссия Коммунистик партияси область комитетининг ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда бугун Минскдаги Спорт саройида ўтказилган тантанали мажлиси областга юксак мукофотни топширишга бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеровни мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олишди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фахрий президиумга баланд руҳ билан сайланди.

Сўз ўртоқ А. П. Кириленкога берилади.

Мард, талантли ва меҳнатсевар белорус халқи революция ишига, коммунизм идеалларига чексиз содиқлигини ўзининг кураши ва меҳнати билан исботлади, деди ўртоқ А. П. Кириленко. Белоруссия халқи Ленин йўлидан оғишмай олға бормоқда, давлат, иқтисодий, ижтимоий, илмий ва маданий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ўзининг активлигини кўрсатмоқда.

Республикани ривожлантиришда Минск областининг меҳнаткашлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар область партия ташкилоти бошчилигида, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлиги остида саккизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар.

Область қишлоқ хўжалиги сезиларли олға силжиди. Шу нарса диққатга сазоворки, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ўтган беш йилликда дон экинларининг гектар бошига 10-12 центнердан иборат ҳосилдорлик даражасини орқада қолдириб, ҳосилдорликни анча оширишга муваффақ бўлдилар ва ўтган йил биринчи марта гектар бошига ўрта ҳисобда 18 центнерга етказиб ҳосил олдилар.

Бу йил колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари янги муваффақиятларга эришдилар. Ҳозирги кунда республикада гектар бошига 21 центнердан зиёдроқ ҳосил олинди. Минск областида эса ўрта ҳисобда 22 центнердан ошиқ ҳосил олинди. Гектар бошига 40 центнердан зиёд дон олаётган илғор хўжаликлар унчалик яроқли бўлмаган ерларни ҳам сермаҳсул ерларга айлантириш мумкинлигини иш билан исбот қилмоқдалар.

Сўнгра ўртоқ А. П. Кириленко тўққизинчи беш йиллик топшириқлари мамлакатда қандай бажарилаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Минск области меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди. У область саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йиллик планни муваффақиятли бажарганлигини айтиб, тўлароқ фойдаланиш керак бўлган катта резервлар ва имкониятларни кўрсатиб берди.

Ўртоқ А. П. Кириленко, мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилиш қобилиятларини амалда кўрсатган Минск областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликда янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ А. П. Кириленко СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттириб, мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Ленин орденини областнинг байроғига қадаб қўйди.

Ўртоқ А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан мажлис аҳлини ва улар орқали областнинг барча меҳнаткашларини ҳукуматнинг юксак мукофоти билан чин кўнгилдан қизғин муборакбод қилди, беш йиллик топшириқларини бажаришда янги катта муваффақиятлар тилади.

Белоруссия автомобиль заводи электр-газ пайвандчиларининг бригадири, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. И. Гончаров, Молодечненск районидаги «Светлий путь» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Белоруссия ССР Олий Советининг депутати В. М. Калачик, Белоруссия Давлат университети факультетларидан бирининг декани Т. Е. Дударева сўзга чиқиб, Минск области меҳнаткашларининг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссаларига берилган юксак баҳо учун партияга ва Совет ҳукуматига зўр миннатдорчилик изҳор этдилар.

Пировардида Минск область партия комитетининг биринчи секретари И. Е. Поляков сўзга чиқди. У икки орденли Минск областининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари коммунизм қурилиши ишига, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажаришга бутун куч, билим ва ғайратларини сарфлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Советининг Президиумини, СССР Министрлар Советини ишонтирди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикномани якдиллик билан қабул қилдилар.

А. А. ГРОМИКОНИНГ БЕРЛИНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

БЕРЛИН, 19 август. (ТАСС—АДН). Яқинда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер маслаҳатлашиш учун Берлинга келган КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашди.

Э. Хонеккер билан А. А. Громико Европадаги хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатишнинг баъзи актуал проблемаларини КПСС XXIV съезди ва Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съездининг қарорлари асосида муҳокама қилдилар. СССР билан ГДР ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олиндилар.

Маслаҳатлашиш дўстона самимий вазиятда ўтди ва қарашлар тўла бирдам эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Сўнгги соатда

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қабул қилган қарори бажарилишининг бориши муҳокама қилинди. Пленумда область партия комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин доклад қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Саккизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда энг яхши натижаларга эришган халқ хўжалиги турли тармоқларининг илғор ходимларига, республиканинг фан ва маданият арбобларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида СССР орденлари ва медалларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Социалистик мусобақа ғолибларининг катта группасига Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнат учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медаллари топширилди.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун партия ва ҳукуматга самимий ташаккур изҳор қилдилар.

Орден ва медалларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин топширди. У мукофотланганларни қизғин табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

САБЗАВОТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Андижон областидаги Ленин райони меҳнаткашлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Сабзавот тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Меҳнаткашлар дастурхонига 9 минг тоннадан кўпроқ сабзавот армуғон этилди. Планнинг барвақт бажарилишига Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози айниқса катта ҳисса қўшди.

Ленин райони соҳибкорлари пландан ташқари яна 2500 тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрлашга сўз бердилар. Сабзавот тайёрлаш ва давлатга топшириш кун сайин қизғин тус олаётир.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Андижон область партия комитети кадрлар ўқувининг перспектив планига биноан ҳамда хўжаликларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бригада ва цех партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди.

Семинар қатнашчилари КПСС XXIV съездининг янги беш йиллик план Директиваларида қўйилган улкан вазифаларни амалга ошириш борасида, партиявий ишнинг форма ва методлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ва чорвачиликка партия раҳбарлиги борасида ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, семинарда ташкилий-партиявий иш, партия ички хўжалигини юритиш бўйича амалий машғулотлар ҳам ўтказилди. Семинар қатнашчилари бир қатор бригада, ферма, устахона ва автогаражлардаги партия ташкилотларининг иши билан ҳам танишишди.

Семинарда партия ҳаёти, хўжаликка партия раҳбарлигига доир турли мавзулардаги лекция ва докладларни тажрибали партком секретарлари, обком ва райкомнинг бюро аъзолари, масъул ходимлари, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг аъзолари, халқ хўжалиги турли соҳаларининг мутахассислари ўқишди.

Семинарда жами 2025 бригада ва цех партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этишди. Семинар унинг қатнашчиларида мароқли таассурот қолдирди.

ПОЙҚАДАМИНГИЗ ЕТАДИГАН УЙ

партия турмуши

Давлат қабул комиссияси грестимизга қарашли 13-қурилиш бошқармаси қурган етти қаватли уй-жой биносини сифатсиз деб топди ва уни қайта ремонт қилишни бошқарма зиммасига топширди. Бу фавқулодда аҳвол бошқарма қурувчиларининг ишга масъулиятсизлик билан қараганлиги натижаси эди. Бепарволик оқибати бутун бир коллективни бошқа бир объектда бошқа бир қурилишни бошлаб юбориш ўрнига яна бир неча ой шу ерда ремонт ишлари билан машғул бўлиб қолишга мажбур этди. Натижада қурилиш планда белгиланганидан анча қимматга тушди. Бу бинога аҳолини кўчиб кириши ҳам анча кечикди.

Трест партия комитети бошқарма фаолиятида рўй берган бу ачинарли аҳволни ўз хатоси деб билди. Трест маъмурияти ва партия ташкилоти бутун куч-ғайратни қурилиш планларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар этибдию, сифат масаласини эътибордан бир оз четда қолдирибди. Рўй берган бу аҳволдан сўнг партия комитети уй-жой объектларини вақтида фойдаланишга топшириш ҳамда қурилиш сифатига жиддий эътибор билан қарай бошлади. Эндиликда партия комитети учун қурилиш сифати иш кўзгуси бўлиб қолди

Трест партия комитети меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида кўпгина тадбирларни белгилаб чиқди. Пудратчи ташкилотлар вакиллари иштирокида бошқарма бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларини ўтказиб туриш тажрибаси қўлланила бошланди. Ана шундай йиғилиш июнь ойида 13-қурилиш бошқармаси партия ташкилотида бўлиб ўтди. Бу йиғилишда «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси вакиллари ҳам иштирок қилдилар. Йиғилишда сантехника узелларининг сифати муҳокама қилинди. Бундай йиғилишлар 10- ва 22-қурилиш бошқармаларида ҳам тез-тез ўтказилмоқда.

Қурилиш сифатини яхшилашда шунингдек партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг кўчма бюро мажлислари, пудратчи ташкилотлар, таъминотчи корхона инженер-техника ходимлари иштирокида ўтказилаётган конференциялар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Қурилишдаги оғир ва сермеҳнат ишларни ва айниқса пардозлашдаги ишларни механизациялашга эътибор кучайтириляпти. Партия комитети ташаббуси билан техника инспекцияси ташкил қилинди. Бу инспекция ҳар ҳафтада бир марта қурилиш объектларида бўлиб қурилиш сифатини текширяпти, бракка йўл қўяётган кишиларга нисбатан тегишли чора кўраяпти. Партия комитети шунингдек, бригада бошлиқлари, мастер ва прораблар йиғилишларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш сифатини яхшилаш тўғрисида киритилаётган таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олиб бормоқда.

Трест партия комитети ҳисобида 285 коммунист бор. Ҳар бир қурилиш бошқармасида партия ташкилоти бор. Партия комитети коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида вақтинча партия группаларини тузди. Бу группалар айни пайтда қурилиш сифатини назорат қилиб борадилар, ишда рўй бераётган камчиликларни шу ернинг ўзида бартараф этадилар. Ўткир Валиев ташкилотчилик қилаётган партия группаси 13-қурилиш бошқармаси илғор группалардан биридир. Бу группага бирлашган коммунистлар ўзлари қураётган ўрта мактаб биносини 1 сентябргача туғаллаш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда.

10, 13 ва 22-қурилиш бошқармалари бошланғич партия ташкилотлари эндиликда энг ташаббускор ташкилотлардан ҳисобланади. 13-қурилиш бошқармаси партия ташкилоти секретари Рафаэл Давидовнинг ўзи қурувчилар орасидан етишиб чиққан тажрибали ва ишчан коммунист. Бошқарма партия ташкилоти меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш сифатини яхшилаш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Партия ташкилоти яқинда Тўлқин Самиғов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси иш тажрибасини оммалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бригадада 70 киши мутахассисликлар бўйича звеноларга бўлиниб ишлаяпти. Ҳар бир ишчи камида икки-уч ҳунар эгаси. Бригадир Тўлқин Самиғовнинг ўзи эса беш касбга эга. У шу пайтгача 50 дан ортиқ кишини қурувчилик касбига ўргатди. Бригада қурилишда поток усулини қўлланиб қурилиш муддатидан анча қисқартириш ва қурилиш сифатини «аъло» даражага етказишга эришди. Шу бошқармадаги Вакил Салихзиянов ва 10-қурилиш бошқармасидан Неъматжон Содиқов бошлиқ комплекс қурилиш бригадалари ҳам ана шундай зарбдор, аъло сифатли бинолар бунёд этаётган бригадалардан ҳисобланади.

Партия комитети қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида амалга ошираётган тадбирлар кўзда тутилган натижаларни бермоқда. Ўтган етти ой давомида фойдаланиш учун топширилган 76082 квадрат метр уй-жой бинолари давлат комиссияси томонидан яхши баҳолар билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми КПСС XXIV съезди қарорлари асосида капитал қурилишни яхшилаш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қабул қилган қарорида қурилиш ва монтаж ташкилотлари олдига капитал қурилиши ва ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши суръатини янада тезлаштириш ҳамда қурилаётган биноларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлаш вазифасини топширди. Пленум қарорида яна, Тошкент шаҳрида яқин бир-икки йил ичида комплекс тарзда йилига камида 1 миллион квадрат метр уй-жой қурилишига эришиш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Бу вазифаларнинг шараф билан уддаланиши барча қурилиш ва монтаж ташкилотлари билан бир қаторда трестимиз қурувчиларининг, биринчи навбатда коммунистларнинг ғайрат-шижоатига, ҳимматига боғлиқдир. Трест партия комитети, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектларни сифатли қилиб қуриб ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун, яхлит ва жозибали, ватанимиз қиёфасининг ўзига хос хусусиятларини яққол акс эттириб турадиган архитектура ансамблларини вужудга келтириш учун қўли гул қурувчилар масъулиятини янада оширади ва пленум қарорларини шараф билан бажариш мақсадида барча резервлардан унумли фойдаланади.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ СОҒЛИҒИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссияларининг 19 август куни Кремлда қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ҳозирги вақтда қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами қандай ташкил этилганлиги ва медицина ёрдами даражасини янада оширмоқ учун нима ишлар қилмоқ кераклиги муҳокама қилинди.

Комиссияларнинг аъзолари бўлган депутатлар ушбу масалани муҳокамага қўйишдан олдин жойлардаги ишнинг аҳволи билан танишиб чиқдилар. Улар министрликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советлари ижроия комитетларидан олинган материалларни ўрганиб чиқдилар ва умумлаштирдилар.

Мажлисда депутатлар тайёргарлик группасининг раҳбари депутат Н. Н. Блохин ҳамда СССР соғлиқни сақлаш министри депутат Б. В. Петровский сўзга чиқдилар.

Докладларда айтилдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиб турибдилар. КПСС XXIV съездининг Директиваларида янги беш йилликда соғлиқни сақлаш соҳасида катта-катта вазифалар белгилаб қўйилган. Жумладан, қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси шаҳарликларга хизмат кўрсатиш даражасига яқинлаштирилмоғи керак. Қишлоқ жойларда ихтисослаштирилган ва кўп соҳали катта-катта шифохоналар, поликлиникалар, диспансерлар қурилиши давом эттирилади, тез медицина ёрдами станциялари шохобчалари, аптекалар кўпайтирилади. Қишлоқ аҳолисини дори-дармон ва бошқа препаратлар билан анча яхшироқ таъминлаш кўзда тутилади. Қишлоқ шифохоналарига энг янги медицина ускуналари ва аппаратлари юборилади.

Сўнгги уч йил мобайнида мамлакатимизнинг қишлоқларида кўплаб янги-янги медицина муассасалари, аптекалар қурилди. Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Молдавия, Латвия ва Қирғизистонда медицина муассасалари ва аптекалар қуриш айниқса муваффақиятли олиб борилмоқда. Ўтган уч йил мобайнида олий мактабларни битириб чиққан 28 минг нафардан ошиқ врач қишлоқларга юборилди.

Санитария-эпидемиология хизматини яхшилаш, район марказларини планлаштириш ва қуришни тартибга солиш юзасидан чоралар ўтказилди.

Шу билан бирга докладчилар ва музокараларда сўзга чиққан депутатлар қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишда ҳали барҳам топмаган камчиликларни ҳам таъкидлаб ўтдилар. Баъзи иттифоқдош республикаларда медицина хизматларини марказлаштириш ва йириклаштириш сусткашлик билан амалга оширилаётганлиги уқтирилди. Шифолаш муассасалари шохобчаларини перспектив ривожлантириш планлари ишлаб чиқилмаган. Комиссиялар конкрет тавсиялар қабул қилди. Уларнинг амалга оширилиши қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни анча яхшилашга имкон беради.

(ТАСС).

Китоблар — оммага

БАЖАРИЛМАГАН ҚАРОРЛАР

Хоразм области шаҳар ва қишлоқларида китоб савдосини ҳозирги кун талаби даражасида уюштириш ва ривожлантириш соҳасида анча ишлар қилинди. Область китоб савдоси конторасы магазинларида ўтган йили аҳолига карийб бир миллион сўмлик китоб сотилди, бу — 1965 йилдагидан 265 минг сўмлик кўпдир. Китоб савдоси ходимлари шу йилнинг биринчи ярмида товар обороти хажмини 554 минг сўмга етказиб, белгиланган планни 128,6 процент адо этишди. Шу давр ичида қишлоқ аҳолисига кооператив савдоси йўли билан 184 минг сўмлик китоб сотилди.

Китоб савдосида прогрессив методларни жорий этиш, магазинларни ихтисослаштириш, ўз-ўзига хизмат қилишга кўчиш ва бошқа тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ ана шундай тадбирлар амалга оширилганлигини қайд қилиш билан бирга, китоб савдосини ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, сиёсий адабиётлар, экономикага оид асарлар ва дарсликлар билан савдо қилиш талаб даражасида эмас. Кўпгина актуал мавзудаги сиёсий китоблар базадаги ёки магазиндаги склад полкаларида тўпланиб қолган. Дарсликларнинг бир қисми босмахоналардан ҳануз келиб етмаган, бир қисми эса складлардан мактабларга етказиб берилмаган.

Аввало, китоб савдосини кўнгилдагидек ташкил этиш учун моддий база вужудга келтирилмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Масалан, ўтган беш йилликда китоб сотиш 1,5 баравардан кўпроқ ўсди-ю, савдо тармоғи деярли кенгаймади, беш йилда янгидан битта китоб магазини қурилди, холос. Мавжуд магазинларнинг бинолари тор, китобларни тўла ассортиментда кўрсатиш учун имконият йўқ.

Область партия ва совет ташкилотлари китоб савдосини яхшилаш юзасидан яхши қарорлар қабул қилдилар, аммо белгиланган тадбирлар амалга ошмади. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг 1968 йил 26 мартда қабул қилган қарорида янги китоб магазинлари қуриш, сиёсий адабиётларни, букинистик китобларни сотиш учун ихтисослашган магазинлар очиш, янги микрорайонларда китоб савдосини йўлга қўйиш каби кўпгина тадбирлар белгиланди. Мана, орадан уч йил ўтди, аммо бу соҳада кўзга кўринарли бирор иш қилинмади.

Урганч шаҳрида 4 та китоб магазини, 12 та киоска ишлаб турибди. Савдо қилинадиган хона ва складлар тор, магазинлар тузук ускуналанмаган. Китоб магазинлари шаҳарнинг марказий қисмига жойлашган бўлиб, аҳоли яшайдиган чет пунктларнинг кўпчилигида китоб савдоси йўлга қўйилмаган. Хивадек шаҳри азимда эса фақат битта китоб магазини бор. Урганч ва Хива шаҳар Советлари ижроия комитетлари (раислари Ю. Сотимов ва Х. Худойберганова ўртоқлар) китоб савдоси моддий базасини яратишга бефарқ қараб келмоқдалар.

Китоб магазинлари складларида чанг босиб ётган ва чўкиб қолган китоблар кўп, улар орасида сиёсий адабиётлар ҳам учрайди. «Китобнинг ҳамма хили нусхаларини магазин токчаларига сиғдириш қийин» дейишади китоб сотувчилар.» Область китоб савдоси идорасининг бошлиғи А. Холматов магазинларда тартиб ўрнатишга эътибор бермаётир.

Қишлоқда китоб савдосининг аҳволи мутлақо қониқарсиз. Район марказларидаги китоб магазинларини истисно қилганда, бирорта қишлоқ магазинида ҳам китоб савдоси кўнгилдагидек ташкил қилинмаган. Токчада чангга беланиб ётган, тури 10-15 дан ошмайдиган китоблар бошқа моллар орасида кўзга ташланмайди. Қишлоқларда ихтисослашган китоб магазинлари йўқ. Китоб сотишга ажратилган бўлимларда бошқа моллар сотилади, китоб автодўконларидан баъзан бошқа мақсадларда фойдаланилади. Область матлубот жамияти правлениеси 1971 йил 29 январда китоб савдосини яхшилаш чоралари тўғрисида қарор қабул қилди. Афсуски, қарордаги муҳим тадбирлар тўла амалга ошмади...

Матлубот жамиятлари китоб магазинлари тармоғини кенгайтириш, янги магазинлар қуриш учун тўла имкониятга эга. Аммо, савдо тармоғи бошқа хил моллар сотадиган магазинлар ҳисобига кенгаймоқда, китоб савдоси эътибордан четда қоляпти. Масалан, кейинги икки йил ичида янгидан битта китоб магазини қурилди, холос. Ҳазорасп районининг Питнак участкасида қурилган китоб магазини эса хўжалик моллари дўконига айлантирилди...

Китоб савдосини яхшилашда жамоат ташкилотларининг иштироки муҳимдир. Комсомол ташкилотлари бу ишда актив ташаббус кўрсатмаётирлар. Область ижроия комитетининг матбуот бошқармаси (бошлиғи К. Аксенов) китоб савдосини яхши йўлга қўйиш масаласи билан кам шуғулланмоқда.

КПСС XXIV съезди қарорларига амал қилиб, омманинг китобга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, китоб савдосини намунали ташкил қилиш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш зарур.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЧИЛЛАКИ КУЁВ»

Равшан ёшлигидан пул билан ўйнади. Ота-онаси уни ўқитиш, одобли, жамиятга фойдали киши қилиб тарбиялаш ўрнига, ортиқча эркалатди, ғакасалтанг, дангаса, бебурд қилиб ўстирди. Бошқаларнинг институтларда ўқиётган, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган, жамиятга фойда келтираётган фарзандлари шаҳар транспортида юрганида ҳолда, ишёқмас, олифта Равшан оиланинг шахсий енгил автомашинасида кўчама-кўча санқиди.

Узоқни кўзламайдиган, юзаки мулоҳаза юритадиган ота-она ҳали ўзини тутиб олмаган 19 яшар Равшанни дабдабали тўй қилиб уйлантиришди. Равшан оилали, икки фарзанднинг отаси бўлгач ҳам қуйилмади. Ота-она эса уни тўғри йўлга солиш, ишлашга мажбур қилиш ўрнига, бойвачча қилиб қўйишди. Натижада аҳлоқи бузуқ Равшан саёқ юрадиган бўлиб қолди. Хотини Марғубани таҳқирлади, икки боласи билан уйидан ҳайдаб юборди. Равшаннинг ота-онаси эса унинг хатосини кўрсатиш, келин ва набираларини ҳимоя қилиш ўрнига, ўғлининг ёнини олди.

Равшан фирибгарлик, ахлоқсизлик кўчасига кирди. Ҳийла-найранг ишлатиб, ёш қизларни тузоққа туширди, уларнинг ҳаётига раҳна солди. Буларнинг ҳаммаси учун Равшаннинг отаси коммунист Зуфар Раҳматуллаев ҳам айбдор эди. Чунки у ўғлини тарбиялаши, адашганда тўғри йўлга солиши, фойдали жамоат иши билан шуғулланишга ундаши зарур эди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 22 май сонида босилган «Чиллаки куёв» сарлавҳали фельетонда ана шулар ҳақида гапирилган эди. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район партия комитетининг секретари редакцияга қуйидагиларни маълум қилди: текширишда фельетонда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Фельетон «Октябрь» бозори бошланғич партия ташкилоти коммунистларининг йиғилишида муҳокама қилинди. Ўғлини нотўғри тарбиялаганлиги ва оқибатда у аҳлоқсизлик қилганлиги учун коммунист З. Раҳматуллаевга виговор эълон қилинди.

ҚИШЛОҚ ИНЖЕНЕРИ КУНИ

САМАРҚАНД. «Даҳбет» совхозида қишлоқ инженери куни ўтказилди. Самарқанд областининг совхозларидан бу ерда тўпланишган инженерлар хўжаликдаги ремонт қиладиган конвейер устахоналари билан, пахтакор ва чорвадор хўжаликларга мўлжалланган ватан қишлоқ хўжалиги техникаси янгиликлари билан танишдилар. Пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш соҳасидаги тажриба ўртоқлашилди.

(ЎзТАГ).

Андижондаги «Электроаппарат» заводининг Коммунистик меҳнат зарбдори Т. Галкина шахсий беш йиллик планини тўрт йилда бажармоқчи. Ҳозир тўртта станокни бошқараётган прессловчи кундалик топшириқларни мунтазам ошириб адо этмоқда.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

МАКТАБДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ

САМАРҚАНД. Партия, совет ташкилотлари ва халқ маорифи ходимларининг бу ерда бўлиб ўтган область кенгашида ўқувчи ёшларни КПСС XXIV съезди қарорлари асосида интернационал тарбиялаш вазифалари муҳокама этилди. Ана шу масала юзасидан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари мактабда интернационал тарбияни кучайтириш ва уни такомиллаштиришнинг амалий чораларини белгилаб олдилар. (ЎзТАГ).

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ СОЦИАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Назария масалалари

Биз ҳозир илмий-техника революцияси даврида яшамоқдамиз. Мазкур революция бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки ижтимоий-иқтисодий системанинг ўзаро мусобақаси шароитида кенг қулоч ёймоқда. Бу мусобақада социализмнинг капитализм устидан узил-кесил ғалаба қилиши кўп жиҳатдан фан-техниканинг тараққиёт даражасига, илмий тадқиқотлар натижаларидан энг тўлиқ фойдаланиш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съездининг тарихий ҳужжатларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. «Фан-техника тараққиётини тезлаштириш, — дейилади КПСС XXIV съездининг резолюциясида,— **ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Фундаментал илмий тадқиқотларни кенгайтириш, фан ва техника муваффақиятларидан тўлиқроқ фойдаланиш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини замонавий, иш унуми юксак техника билан қайта қуроллантириш ишларини оғишмай ва планли асосда амалга ошириш, янги техникани ва прогрессив технологияни яратиш ва ўзлаштириш муддатларини бутун чоралар билан қисқартириш. Ватанимиз ва чет элларнинг илғор тажрибаларини активроқ қўллайвериш керак».**

Фан-техникадаги туб революцион ўзгаришлар табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини билиш ҳамда уларнинг стихияли кучларини инсон измига бўйсундириш имкониятларини очиб беради. Лекин бу имкониятлардан фойдаланиш турли ижтимоий-сиёсий тузумда турличадир. Чунки, илмий-техника революциясининг ривожланиш тенденцияси ҳар бир ижтимоий тузумда ҳукмрон бўлган моддий бойликлар ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Шу боисдан, бу революциянинг капитализм ва социализмда бошқа-бошқа социал проблемалари бор.

Капитализм шароитида илмий-техника революцияси нотекис ривожланиб, социал антагонизмларни янада кескинлаштиради. Капиталистик жамиятда илгаридан мавжуд бўлган барча синфий зиддиятлар кескинлашибгина қолмай, янгилари ҳам вужудга келади. Бу аввало, илмий-техника революцияси очиб бераётган чексиз имкониятлардан бутун жамият ва халқ манфаатлари йўлида фойдаланишга қарши капитализм солаётган ғовлар билан боғлиқ бўлган социал зиддиятлардир.

Фан-техника тараққиётининг тезлашиши капитал мамлакатларида меҳнаткашларнинг эксплуатация қилинишининг янада кучайишига, уларнинг турмуш даражасининг пасайишига ва ишсизлар армиясининг кўпайишига олиб келади. Расмий маълумотларга қараганда, 38 миллионга яқин америкаликлар ёки АҚШ аҳолисининг бешдан бир қисми ҳанузгача камбағаллик ва қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Ишлаб чиқаришни илмий-техник жиҳатдан такомиллаштириш натижасида АҚШда ўтган йили 250 минг киши ишсиз қолди.

Ишсизлик умуман капиталистик мамлакатларнинг, хусусан АҚШнинг миллий офатига айланган. Капитализм миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини бундай аянчли аҳволдан қутқаришга ва уларни эртаги кун ваҳимасидан ҳоли бўлган моддий имкониятлар билан таъминлашга қодир эмас. Чунки, империализм фан-техника кашфиётларининг кўпчилик қисмини ва жуда катта моддий ресурсларни ҳарбий мақсадларга сарф қилиб, миллий бойликни барбод этмоқда. Бу ўринда шуни айтиш керакки, фақат биргина АҚШда ҳарбий тадқиқотлар учун ажратилган харажатлар кейинги йилларда 63 процентга етди. Бинобарин, монополиялар ҳукмронлик қилган шароитда илмий-техника революциясининг ўсиб бораётган имкониятларидан экономикани тағин ҳам милитаризациялаштириш учун фойдаланилмоқда.

Монополистик капитал ҳукмронлиги даврида меҳнаткашлар оммаси билан бир қаторда, хусусий мулк эгаларидан муайян гуруҳларнинг аҳволи ҳам тобора ёмонлашиб, тирикчилик шароити қийинлашиб бормоқда. Илмий-техника революцияси майда ишлаб чиқарувчиларнинг янги-янги табақаларини хонавайрон қилиб юбормоқда. Сон-саноқсиз фермер ва деҳқонлар ўз ерларидан ҳайдалмоқдалар, уларнинг хўжалиги эса йирик монополиялар қўлига ўтмоқда. Буржуа социологи Майкл Харингтоннинг ёзишича, монополиялар қишлоқ хўжалигида ҳам ҳукмрон позицияни эгаллаб олдилар. Уша олимнинг таъкидлашича, АҚШда монополиялар йилига 500-600 мингта майда хўжалик фермерларини «еб» қўймоқдалар.

Хонавайрон бўлган фермерлар ўз навбатида камбағаллар сафини, қишлоқдаги ишсизлар армиясини узлуксиз тўлдириб турибди. Бу фактлар, капиталистик жамиятда пролетарлашув кучайиб боради, деган марксча-ленинча қоидани батамом тасдиқлайди.

Илмий-техника революцияси ҳозирги вақтда коммунистик идеология билан буржуа идеологияси ўртасидаги курашни ҳам ниҳоят даражада кескинлаштириб юборди. Ана шундай шароитда реакцион буржуа идеологияси оммани маънавий тутқунликда сақлашга интилиб, капиталистик тузум иллатларини бўяб кўрсатмоқда.

Умуман, буржуа социологиясидаги фан ва техника тараққиётининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини бузиб талқин этувчи назарияларни уч йўналишга бўлиш мумкин. Биринчи йўналишга **технократик назариялар** киради. Бу назария «Ягона индустриал жамият» ва «ўсиш босқичлари» сингари назариялар жумласидандир. Мазкур назарияларнинг тарафдорлари техника жамият тараққиётида белгиловчи роль ўйнайди, деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Натижада улар техника равнақини муайян ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканлигини инкор этиб, уни илоҳийлаштирмоқчи бўладилар. Мана шундай реакцион ва ғайри-илмий қарашларни ўзида яққол мужассамлаштирган буржуа технократик назарияларидан бири — **«Менэджеризм»** ёки «жамиятни бошқарувчи раҳбарлар» назариясидир. Бу назария Америка социологи Т. Вебленга мансуб. Унинг даъво қилишича, гўё техника революцияси натижасида капитализмдаги ишсизлик, социал тенгсизлик ўрнини мўл-кўлчилик ва планли ривожланиш даври эгаллар эмиш. Ҳатто, у техникани меҳнаткашларнинг энг яқин дўсти деб билиб, уларни капитал зулмидан озод қилиши ҳам мумкин дейди. Албатта, техникани халқ оммасининг ҳимоячиси қилиб кўрсатишга уриниш орқали у, социал революция ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга қарши чиқмоқчи бўлади. Т. Веблен назариясининг асосий иллати ҳам худди мана шунда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг IV пленуми қарорларини амалга оширамиз

ПАРРАНДА УЧУН ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда паррандачилик ҳам катта роль ўйнайди. Лекин республикамизнинг кўпгина колхоз ва совхозларида бу соҳа ҳалигача кам маҳсулли ва кам даромадли бўлиб қолаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири паррандаларнинг сервитамин ва тўйимли озуқалар билан ўз вақтида боқилмаётганлигидадир.

Паррандаларни витамин «А»-га бой бўлган озуқалар билан парвариш қилиш уларнинг тез семиришини ва маҳсулдор бўлишини таъминлайди. Бундай витаминлар ўсимликларда каротин тарикасида кўп бўлади. Аралаш силос эса каротинга бой озуқа составига киради. Бундай силос таркибида каротиндан ташқари В, С ва Д группали витаминлар, сут кислотаси ва бошқалар бор.

Махсус ёки аралаш силос икки-уч хил ва ундан ҳам кўпроқ турдаги экинлардан тайёрланади. Бундай силоснинг асосий таркибига маккажўхори пояси ва сўталари, сабзи ҳамда бошқа ўсимликлар киради. Улардан ташқари, хашаки ошқовоқ, кўп йиллик дуккакли экинларнинг кўк ўтлари, дуккакли экинлар кўкпояси, витаминли ўт уни ва бошқалардан ҳам парранда учун тўйимли аралаш силос тайёрлаш мумкин.

Маккажўхоридан силос тайёрлаш учун унинг сўтаси думбул бўлаётганида йиғиштириб олиниши керак. Картошка, сабзи ҳамда ошқовоқ тўла пишиб етилганидан кейин силослангани маъқул. Кўп йиллик дуккакли экинларнинг кўкпояси бу ўсимликлар шоналаган пайтида ҳамда гуллаётган вақтида силосланади. Нўхот ловия ва шунга ўхшашлар думбул бўлаётган пайтида силосланса емишли бўлади.

Паррандалар учун озуқани махсус чуқурларда ҳамда траншеяларда силослаш зарур. Силос иншоотлари мустаҳкам бўлиши ва уларга ҳаво кирмаслиги ҳамда сув ўтмаслиги лозим. Траншеяларнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиши мумкин.

Озуқани силослаш пайтида ундаги нам 65-75 процент бўлгани маъқул. Силос бўладиган озуқа яхшилаб майдаланиши, шундан сўнг зичланиши лозим. Силос поялари «ДКУ-1,2» ва «ДКУ-1,2М» агрегатларида майдаланса хушхўр бўлади.

Юқорида қайд қилинган ҳар хил озуқабоп экинлар ва бошқа ўсимликлардан махсус траншеяларда силос бостирилганида усти полиэтелен плёнкалари билан қопланиб, сўнгра 10-12 сантиметр қалинликда сомон аралаш лой ёки лой аралашмаси билан сувалади. Янги куни ўша лой қатлами устига 30-40 сантиметр қилиб тупроқ солинади. Шундай қилиб, силос бостирилган траншеядаги озуқа истаган пайтгача сақланаверади.

Барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда тайёрланган силос орадан 50-60 кун ўтган парранда учун жуда хушхўр бўлади. Тайёрланган силоснинг ҳиди ёқимли, бир озгина нордон, кўринишдан эса кўк-сарғиш бўлиши керак. Ҳар бир килограмм силосда 25-40 миллиграмм каротин, 2,5 процентга яқин органик кислота бўлади.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган тажрибаларга кўра, паррандалар рационига 4-15 процент ҳар хил силос қўшилса жўжаларнинг тирик вазни 5 процентгача кўпаяди, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 11,5 процент ортади. Бундан ташқари сервитамин силос парранданинг тез ўсишини ва сермаҳсул бўлишини таминлайди.

Ёш паррандаларга 10-20 кунлигидан бошлаб силосланган озуқалар бериш мақсадга мувофиқдир. Дастлабки кунларда оз-озгина, сўнгра эса кўпроқ озуқалар бериб борган маъқул. Силосни соф ҳолида ёки бошқа озуқаларга қўшиб берса ҳам бўлади.

Жўжалар учун аралаш силоснинг тўйимлилик даражаси ҳисобга олинган ҳолда кунлик нормалар белгиланади. Масалан бир ойлик жўжалар учун кунлик силос нормаси 5-10 грамм, икки ойлик жўжалар учун — 10-15 грамм, уч ойлик жўжалар учун — 20-30 грамм ва беш ойлик жўжалар учун — 35-50 грамм қилиб белгиланади. Тухум туғадиган товуқларнинг ҳар бирига бир кеча-кундузда 40-60 грамм аралаш силос едирилади.

Бошқа паррандалар учун ҳам аралаш силоснинг тахминий нормалари белгиланган. Чунончи, ҳар бир куркага бир кеча-кундузда 150-200 грамм, ўрдакка — 200-250 грамм, ҳар бир ғозга эса — 200-300 грамм норма қилиб белгиланган. Республикамиз шароитида паррандаларни ана шу рационлар асосида парвариш қилиш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга катта имконият яратади.

Е. ЮГАЙ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти паррандачилик бўлимининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ҲИНД ЁЗУВЧИЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими Зиннат Ашурбоев ўз тадқиқотини ҳозирги таниқли ҳинд ёзувчиси Саодат Ҳасан Минтонинг ижодиётига бағишлади. Олимларнинг берган баҳоларига кўра, «Совет ҳиндшунослик фанининг ривожланишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилган» бу асар туфайли у фан кандидати унвонига сазовор бўлди. Минтонинг Тошкент, Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти босиб чиқарган «Қиз севгиси» деган ҳикоялар тўплами шу тадқиқотга илова қилинди. Бу тўплам ёзувчининг мамлакатимизда чиққан биринчи китобидир.

Ашурбоев ҳинд ва Покистон ёзувчиларининг кўпгина асарларини таржима қилган. Кришан Чандр, Сажжод Заҳир, Ражендра Сингх Бединий тўпламлари ёш олим қатнашувида ўзбек тилида босилиб чиқди. Ҳозирги вақтда З. Ашурбоев Деҳли университетининг профессори Қамар Раис билан бирга ликда Ҳамид Олимжон шеърларини урду тилига ағдармоқда. (ЎзТАГ).

«ОРОЛ СОҲИЛИ» ДАМ ОЛИШ УЙИ

НУКУС, Қорақалпоғистонда биринчи марта Орол денгизи соҳилида очилган дам олиш уйи «Орол соҳили» деб аталади.

Ҳозирги вақтда касаба союзларнинг йўлланмалари билан бу ерга дам олувчиларнинг биринчи гуруҳи келди. Қайиқ станцияси, спорт ўйин майдонлари дам олувчиларнинг хизматига тайёр. Соябонлар қўйилган ажойиб пляж бунёд этилган.

Шу мавсумда соғломлаштириш уйида Автоном республиканинг ҳамма районларидан келган неча юзлаб шоликорлар, пахтакорлар, балиқчилар ва ишчилар ҳордиқ чиқарадилар. (ЎзТАГ).

Республика прокуратурасида

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Совет соғлиқни сақлаш системаси социалистик тузумнинг улуғвор ғалабаларидан биридир. Партия ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлашни мукаммаллаштириш ва юксалтириш соҳасида кўраётган чора ва тадбирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, совет кишиларининг турмуши ва меҳнат шароитларини яхшилаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди.

СССРда соғлиқни сақлашнинг асосий принциплари ва вазифалари ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонун Асосларида мустаҳкамланган. Қонун Асослари СССР Олий Совети томонидан 1969 йил декабрда тасдиқланган эди.

Халқ саломатлигини сақлаш, — дейилади бу ҳужжатда, — барча давлат органлари, корхоналар, муассасаларнинг бурчи ҳисобланади. Шундай қилиб, бизнинг давлатимиз инсоният тарихида биринчи бўлиб халқ саломатлигини юрт бойлиги, уни сақлашни эса барча давлат ва жамоат органларининг бурчи деб эълон қилди. Шу билан бирга, Қонун Асослари халқ саломатлигини сақлаш нормалари ва қоидаларини бузувчи граждан лар ва шахсларни жавобгарликка тортишни ҳам кўзда тутади.

Санитария назорати ва жамоат органлари томонидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, баъзи умумий овқатланиш, савдо, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, маиший хизмат корхоналарининг раҳбарлари Қонун Асосларининг талабларига риоя қилмаётирлар. Санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаслик турли ичак-ошқозон касалликларининг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Прокуратура органларига берилган айрим материаллар бўйича жиноий ишлар қўзғатилди ва жамоат учун хавфли ҳатти-ҳаракатлар қилган гражданлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шу йил 25 март куни Янгийўл районидаги 50-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари Тошкент алоқа институтидаги 8-ошхонада овқатланган эдилар. Сифатсиз овқат еганликлари туфайли 99 киши овқатдан заҳарланиб касалхонага тушди.

Тошкент шаҳар Киров район прокуратураси жиноий иш қўзғаб, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортди. Ошхона директори Ю. Ҳамрохўжаев, ишлаб чиқариш мудири Н. С. Баяркиналарнинг иши ҳозир халқ судида кўрилмоқда.

Шунга ўхшаш воқеа Тошкент область Бекобод шаҳрида ҳам рўй берди. Шаҳардаги биринчи болалар боғчасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда санитария нормаларига риоя қилинмаганлиги туфайли шу йилнинг 6 апрелида болаларга сифатсиз овқат берилган. Натижада уларнинг кўплари оғриб қолиб, касалхонага ётқизилди. Болалар боғчасининг мудираси Хисомова, хўжалик мудири Степашкина, ошпаз Рижок жиноий жавобгарликка тортилди ва уларнинг иши судга оширилди.

Республика прокуратураси прокуратура органларига санитария-гигиена нормалари ва қоидаларининг бузилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида қўшимча кўрсатмалар берди.

АХБОРОТ
КЕЧАГИ ХАБАРЛАР

НАМАНГАН МАКТАБЛАРИ ТАЙЁР

Наманган область маорифчилари оталиқ ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаб қўйдилар. 484 мактаб ремонтдан чиқарилди. 59 минг 927 парта, 21120 стол, 4377 доска бўяб тахт қилинди. Бир қанча фан кабинетлари ташкил қилинди ва янгидан қурилди. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Учқўрғон районлари жамоатчилиги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда алоҳида ташаббус кўрсатди. Касб танлаш ва меҳнат таълимига эътибор кучайтирилиб, янгидан 38 та металл ишлаш, 33 та тикувчилик таълими устахоналари ташкил этилди.

Мактабларда қишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 9200 тонна кўмир ва 300 куб метрга яқин ўтин ҳозирланди. Область мактаблари ўқувчиларининг 65 проценти дарсликлар билан таъминлаб бўлинди. Қишлоқ ўқитувчиларига ғамхўрлик кучайтирилмоқда. 320 квартира ремонт қилинди, 27 хона қуриб ишга туширилди. Йил охиригача тағин 76 квартира ўқитувчилар ихтиёрига берилади.

Ғ. МАННОПОВ.

АТЕИСТИК БИЛИМЛАР — ОММАГА

Республика атеистик билимлар уйининг лекторлари Тошкент шаҳар корхоналарида, муассасаларда, республикамизнинг колхоз-совхозларида турли мавзуларда қизиқарли лекциялар ўқимоқдалар. Громова, Тонконогов, Муталов сингари ўртоқлар ўқиган лекциялар тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда. «Дунёнинг охири борми?», «Диний маросимларнинг зарари» мавзуларидаги лекциялар айниқса қизиқарли ўтди.

Пойтахт шаҳримизнинг Октябрь, Чилонзор ва Фрунзе районларидаги маҳаллаларда атеизмга бағишланган кинолекторийлар, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Фрунзе районидаги Авлоний маҳалласида «Космосни ўзлаштириш» деган мавзуда ўтказилган савол-жавоб кечасига кўп одам тўпланди. Астрономия институтининг илмий ходимлари — физика фанлари кандидатлари Санақулов, Сатторов ва атеизм уйининг лекторлари сентябрь ойида «Медицина ва дин» мавзусига бағишланган савол-жавоб кечаларини маҳаллаларда уюштиришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бундай кечаларга таниқли олим ва мутахассислар таклиф қилинади.

Т. АБДУРАСУЛОВА,
Республика атеистик билимлар уйининг катта методисти.





СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ВОЛГОГРАД яқинидаги қувур заводининг иккинчи навбати ишга тушди. Ҳозир сўнгги 10- станни йиғиш ишлари қизғин бормоқда.

Энг замонавий техника билан жиҳозланган бу завод яқин келгусида мамлакатимизда қувур ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан бири бўлиб қолади. У катта диаметрли қувурлар тайёрлайди. Бултур заводнинг бош корпусида биринчи марта диаметри 530 миллиметрдан 1420 миллиметргача бўлган қувурлар тайёрлайдиган станлар ишга туширилди. 1971 йилнинг бошиданоқ завод топшириқдагига кўра бир неча минг тонна кўп қувур етказиб берди.

Станлар қувватини ошириш билан бирга корхонада қурилиш ҳам давом этмоқда. Бу ерда шарикоподшипник заводлари учун қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Чапдаги суратда: тайёр қувурларни назорат қилиш участкаси.

МОСКВАДАГИ Бутуниттифоқ электромеханика илмий-тадқиқот институтининг конструкторлари электромобилнинг янги моделини ишлаб чиқдилар ва синовга топширдилар. У илгари яратилган совет ва чет эл намуналаридан шу билан фарқ қиладики, унга фойдаланиш анча осон бўлган ўзгарувчан ток двигатели ўрнатилган. Бу двигатель станоклар, кўтаргичлар, кранлар ва шу кабиларда кўпдан бери қўлланиб келинмоқда.

Подольск шаҳрининг мутахассислари янги электромобилнинг аккуляторларини ҳам анча яхшиладилар. Унинг қуввати оширилди. Аккумулятор тез зарядланадиган ва узоқ ишлайдиган бўлди. Янги электромобиль яхши сифатларга эга. У соатига 60 километргача тезликда юра олади, 500 килограммгача юк кўтаради.

Ўртадаги суратда Москва кўчаларида янги электромобилларни кўриб турибсиз.

„СОВЕТСКАЯ РОССИЯ» кит овлаш флотилияси яқиндагина 10-рейсдан Владивостокка қайтиб келди. У бир неча ой Антрактикада бўлди. Кемани кутиб олишга денгизчиларнинг қариндош-уруғлари, ёру дўстлари чиқишди. Улар кит овловчиларнинг қайтишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Коллектив КПСС XXIV съезди шарафига катта ютуқларни қўлга киритиш мажбуриятини олган эди. Мана, ниҳоят орзу ушалди. Владивосток шаҳрининг партия ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари кит овловчиларни янги меҳнат зафари билан қутладилар. Ўнгдаги суратда: «Советская Россия» кит овлаш базасининг денгиз вокзалида.

С. Голубев, Р. Алфимов ва Л. Беляев фотолари, (АПН).

Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини емириб ташлаш аввало буржуазия қўлидан ҳокимиятни тортиб олиш ва уни меҳнат воситаларидан маҳрум қилиш демакдир. Бундай чуқур социал ўзгаришларни ҳеч қандай техника ўз-ўзича амалга ошира олмайди.

Бу вазифани фақат коммунистик ва ишчи партиялар етакчилигида миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг капитал зулмига қарши онгли ва уюшган кураши ҳал қила олади. Акс ҳолда, буржуазия ишлаб чиқариш воситаларини ўз-ўзидан меҳнаткашлар ихтиёрига топшириб қўймайди.

Агар технократик назариётчилар техниканй моддий бойликлар ишлаб чиқариш усули системасидан ажратиб олиб, унинг ижтимоий ҳаётдаги ролини бир ёқлама бўрттирсалар, иккинчи йўналишнинг тарафдорлари эса, аксинча, илмий равнақ ролини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишга мойилдирлар. Бу борада немис экзистенциалист-файласуфи К. Ясперснинг «Атом бомбаси ва инсоният келажаги» номли китоби диққатга сазовордир. Унинг илмий равнаққа бўлган муносабати ва идеалистик қарашлари ўша китобда батафсил баён этилган. У илмий равнақ жамият ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди деб, тарихнинг ривожланиш жараёнини унга боғлиқ қилиб қўяди.

Шу билан бирга, К. Ясперс капитализмдаги ишсизлик, қашшоқлик, иқтисодий инқироз, зўр бериб қуролланиш ва термоядро уруши хавфининг келиб чиқишига фан тараққиёти асосий сабабчи деб кўрсатади. Аслида эса, буларнинг ҳаммасига илмий равнақ эмас, балки капиталистик тузум айбдор. Чунки, фан кашфиётлари ўз-ўзича ҳеч вақт фазилатдан иллатга айланган эмас ва айланмайди ҳам.

Учинчи йўналишга кирувчи буржуа социологлари фан-техника соҳасида содир бўлган буюк силжишларни янги, иккинчи саноат революцияси деб шарҳлаб, бу революция капиталистик жамиятнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, энди капиталистик мамлакатларда «ишчилар синфининг жанговарлик руҳининг сусайиш ва синфий курашнинг сўниш даври бошланди» деб тарғиб қилмоқдалар. Бу йўналишнинг тарафдорларидан М. Адлер, Л. Келсо, А. Тойнби ва бошқалар илмий-техника революциясига таяниб, ишчилар синфи буржуазиянинг гўркови сифатида оламшумул-тарихий ролни ўйнаши тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимотини рад этишга уринадилар. Уларнинг даъвосига кўра, пролетариат техника яхши ривож топмаган вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган эди, аммо у ҳозирги илмий-техника революцияси жараёнида ўзининг революцион руҳидан маҳрум бўлиб, синф сифатида аста-секин йўқолиб бориши керак эмиш. Ижтимоий практика марксизм-ленинизм муҳолифларининг бундай сохта уйдирмаларини чиппакка чиқармоқда. Агар бутун дунёда ишчилар синфининг сони XIX аср ўрталарида атиги 10 миллиондан ошмаган бўлса, эндиликда уларнинг сони қарийб 600 миллиондан ортиб кетди. Шуниси характерлики, меҳнаткашларнинг сони фан-техниканинг тараққиёт даражаси юксак бўлган соҳаларда, хусусан машинасозлик, самолётсозлик ва автомобиль саноатларида анча тез ўсди.

Шунингдек, капиталистик мамлакатларда синфий курашнинг кучайиб кетганлиги инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Масалан, 1960 йилдан то 1970 йилгача забастовка курашида жами 350 миллионга яқин киши иштирок этди. Бу ўтган 15 йилдагига нисбатан 160 миллион киши зиёд демакдир. Шунга ўхшаш воқеалар капиталистик жамиятда ишчилар синфининг «революцион руҳи сусайди» ва «синфий кураш сўнди», деган даъволарнинг асоссизлигини исботлайди.

Коммунизм ва фан бир-биридан ажралмасдир. Бу даврда фаннинг гуманистик мақсади билан жамият аъзоларининг манфаатлари тўла мос бўлиб тушади. **«Фақат социалистик тузумгина, — деб уқтириб ўтди ўртоқ А. Н. Косигин КПСС XXIV съездида, — фан-техника тараққиёти учун чексиз имкониятлар яратиб беради. Социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ғоят юксак барқарор суръатлари капиталистик экономикадагидан фарқли ўлароқ меҳнат унумдорлиги тез ўсиб борганн ҳолда совет кишиларининг иш билан тўла банд бўлишларини таъминлайди.**

Фақат социализм туфайли ва фақатгина шу ижтимоий тузум доирасидагина фан-техника революцияси тўла ва ҳар томонлама ривож топади, унинг натижаларидан барча меҳнаткашлар баҳраманд бўлади».

КПСС XXIV съездининг Директиваларида оғир индустриянинг етакчи тармоқлари бўлган машинасозлик, металл ишлаш, нефть ва химия саноати маҳсулотини 1,7 баравар ўстириш кўзда тутилган. 1975 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш 1.030-1.070 миллиард киловатт-соатгача, газ қазиб олиш 300-320 миллиард куб метргача, пўлат эритиш 142-150 миллион тоннагача етказилади.

Шу тариқа мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигининг муттасил ўса бориши таъминланади. Чунончи, янги беш йилликда саноатда меҳнат унумдорлиги 36-40 процентга оширилади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши миллий даромаднинг ўсишига олиб келади.

Илмий-техника революциясининг актив таъсири фақат моддий ишлаб чиқариш жараёни билан чекланиб қолмайди, албатта. Шу билан бирга, бу революция ижтимоий муносабатлар соҳасига ҳам кириб бориб, уларни ишлаб чиқарувчи кучлардаги революцион силжишларга мувофиқ ўзгартиради.

Янги беш йиллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини юқори босқичга кўтаради. Шу даврда колхозлар 1 миллион 700 минг дона трактор 1 миллион 100 минг юк автомашинаси, 541 минг ғалла ўрадиган комбайн ва бошқа кўпгина техника билан таъминланадилар. Бу эса қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг анча мустаҳкамланишига ва айни бир вақтда колхоз мулкини давлат мулки билан бирга қўшиб, ягона коммунистик мулкка айлантира боришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштириш, электрлаштириш ва химиялаштириш натижасида деҳқон меҳнати билан ишчи меҳнатининг характери тобора бир-бирига яқинлашади. Ҳозирги пайтда кўпгина механизаторлар ўз билими, малакаси билан илғор ишчилардан, ҳатто инженер-техник зиёлилардан қолишмайди. Улар ўз ижодий фаолиятларида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

Дарвоқе, механизаторлик қишлоқда энг асосий касб бўлиб, унинг 50 га яқин тури мавжуд. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги жуда кўп малакали механизатор кадрларга эга. Айни вақтда уларнинг сони юз минг кишидан ошди. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган қишлоқ зиёлиларининг сони 1950—1970 йилларда 18 минг кишига кўпайди.

Умуман, мамлакатимиз ,хусусан республикамиз қишлоқ аҳолисининг маданий-маиший турмуш шароитлари анча яхшиланди. Чунончи, қишлоқларда кўплаб мактаб, болалар боғчалари, яслилар, касалхоналар, уй-жойлар, клуб, кутубхона, новвойхона, кирхона ва шу сингарилар барпо этилди. Қишлоқ жойларида радио, телевидение, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа маданий-оқартув ишларини ривожлантириш учун бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ана шуларнинг ҳаммаси шаҳар билан қишлоқ, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги тафовутларни аста-секин йўқотишга олиб боради.

Илмий-техника революциясининг социализм давридаги муҳим социал оқибатларидан бири — иш вақтининг қонуний равишда қисқариб боришидир. СССРда 1957 ва 1960 йилларда иш кунининг қисқартирилганлиги ҳаммага равшан. Айниқса, 1967 йилда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ишчи ҳамда хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тўғрисида қабул қилган қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу қарорни амалга ошириш ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган иш вақтини анчагина қисқартиш, ҳар бир ходим учун кунига йўлга сарфланадиган 1-2 соатни тежаб қолиш имкониятини туғдиради. Бунинг натижасида меҳнаткашларнинг бўш вақти бир йилда 70-80 соатга ортади. Пировардида бўш вақтнинг узлуксиз кўпая бориши уларнинг ўз маданий-техник билимларини ошириш, санъат билан шуғулланиш ва бошқа шунга ўхшаш фойдали тадбирларга кенг йўл очиб беради. Умуман айтганда, илмий-техника революцияси мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва бинобарин, янги кишини камол топтиришга хизмат қилдирилмоқда. Бу эса социалистик тузумнинг капиталистик тузумдан муқаррар афзалликларини яна бир карра намойиш қилаётган социал далиллардир.

О. ЭРГАШЕВ,
Фалсафа фанлари кандидати.

СОВЕТ НАШРЛАРИ НИҚОБИ ОСТИДА ҚАЛБАКИЧИЛИК

«НОВОСТИ» МАТБУОТ АГЕНТЛИГИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

19 августда «Новости» матбуот агентлигида ўтказилган матбуот конференцияси чет элардаги муайян доираларнинг Осиё ва Африка мамлакатларида тарқатаётган антисовет қалбакичиликни фош қилишга бағишланди.

«Новости» матбуот агентлиги правлениеси раисининг ўринбосари К. А. Хачатуров совет ва чет эл журналистлари ҳузурида гапириб, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликнинг душманлари Совет Иттифоқининг сиёсатини бузиб кўрсатиш, СССРнинг Осиё, Африка, Араб Шарқи мамлакатлари билан дўстона муносабатларига доғ туширишга интилиб, разил методлардан фойдаланаётганликларини кўрсатиб берди.

К. А. Хачатуров чет элларда АПН нашрлари ниқоби остида бир неча бор «брошюралар» тўқиб чиқарганлигини, империализм малайлари бу «брошюралар»ни совет жамоатчилиги ва унинг информация агентлиги «нуқтаи назари»ни ифода этади, деб кўрсатишга уринганликларини эслатиб ўтди. Масалан, «Совет Иттифоқи ва ислом» деган антисовет қалбакичиликка Цейлон кенг жамоатчилиги жуда тўғри баҳо берганлиги ана шундай уринишларнинг беҳуда эканлигини исбот этади. Турли сиёсий маслакка мансуб бўлган Цейлон газеталари шу кунларда ислом динини таҳқир этувчи қалбакичиликларни фош қилдилар. Улар антисовет иғвогарларини кескин қораладилар.

(ТАСС).

СПОРТ янгиликлари

Медаль муборак

Узбекистон парашютчиларининг муваффақиятлари кўпларни ҳайратлантирган. Бир неча бор рекордлар ўрнатгач республикамиз парашютчилари даврасида ака-ука Абдулла ва Иброҳим Фасхутдиновлар қатори В. Крестьяннинов Ю. Ю. Бессоновнинг ҳам ютуқлари салмоқли.

Уз устида қунт билан ишлаш, маҳоратни ошириш учун гайрат қилиш парашютчиларимизга янги зафарлар келтирмоқда. Мамлакат шахсий-команда биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда ўзбекистонлик В. Пеньков бронза медаль олишга муваффақ бўлди. Республикамиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга кўтарила олди.

«Политотдел»нинг янги очкоси

Мамлакат иккинчи лига бешинчи зона командалари футболчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Пермь шаҳрининг пешқадамлардан бири бўлиб келаётган «Звезда» командаси футболчилари яна мағлубият аламини тортдилар. Чимкентнинг «Металлург» командаси пермликлардан устун келди. «Янгиер» командамиз ҳамон жадвалдаги учинчи ўринда муқим турибди. Тюменнинг «Нефтяник» командаси билан 0:0 ҳисобида учрашувни тамомлаган «Политотдел» яна бир очкони кўлга киритди. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси Кировободнинг «Динамо»сини 1:0 ва «Зарафшон» Термизнинг «Автомобилист»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Мюнхенда иккинчи ўрин

Совет Иттифоқи хотин-қиз волейболчилар терма командаси Мюнхендан жўнаб кетгани маълум қилинганди. Волейбол бўйича бу ерда халқаро турнир мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда олти команда беллашди. Охирги ўйинда СССР волейболчилари японияликларга 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Натижада Япония 10 очко тўплади. Бизнинг командамиз битта кам — 9 та очко жамғарди. Мюнхен турниридан совет спортчилари иккинчи ўринни олиб қайтдилар.

Чехословакия территориясида кучли транзит газопровод қурилиши муваффақиятли олиб борилмоқда. Бу газопровод орқали ЧССР, ГДР, шунингдек Ғарбий Европа мамлакатларига совет газини ола бошлайди. Суратда: Трстен районида газ қувурларини ўрнатиш. ЧТК ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

РЕАКЦИЯНИНГ КИРДИКОРЛАРИГА ҚАРШИ

АДАН, (ТАСС). Яман Халқ Демократик Республикасининг министрлар кенгаши Форс кўрфазининг оккупация қилинган зонасидаги аҳволни ва бу районда яшовчи аҳолининг чет эл мустамлакачилари ҳукмронлигига қарши ҳамда реакция кучларига қарши олиб бораётган миллий озодлик курашининг қандай ривожланаётганлигини муҳокама қилди.

АНА агентлиги хабар беради: Министрлар кенгаши Форс кўрфазининг оккупация қилинган зонасида миллий демократик кучларни ягона кенг миллий фронтга бирлаштириш зарур эканлигини таъкидлади.

Ҳукуматнинг расмий вакили матбуот конференциясида гапириб, ҳушёрликни кучайтиришга даъват этди ва империалистик кучлар Форс кўрфазининг оккупация қилинган районида ўз позицияларини сақлаб қолиш ва араб халқларининг озодлик курашига халақит бериш учун ҳали ҳам уринаётганликларини эслатиб ўтди. У яна қуйидагиларни айтди: Форс кўрфазининг оккупация қилинган зонасида яшовчи аҳоли ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқига эгадир ва ана шу юксак мақсадларга эришмоқ учун ҳар қанча қурбон беришга ҳам тайёрдир.

СУВ ТОШҚИНИ ОҚИБАТЛАРИ

ДЕҲЛИ, 19 август. (ТАСС). «Пэтриот» газетасининг хабар беради: бу йил муссон ёмғирлари даврида Ҳиндистоннинг шимолий районларида бошланган сув тошқини натижасида 30 га яқин киши ҳалок бўлди. Бихар штати айниқса катта зарар кўрди. Бу штатдаги жуда катта майдонларда турли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили нобуд бўлди, хонадонларнинг кўп чорва моллари ҳалок бўлди, неча юз километр узунликдаги тош йўллар ва темир йўллар, неча минглаб уй-жой бинолари яксон қилинди. Мамлакат шимолидаги бошқа штатлар ҳам кўп зарар кўрди. Бу штатларда неча миллионлаб кишилар бош-панасиз қолди.

Жанубдаги Керала штатида ҳам сув тошганлиги ва бунинг натижасида катта зарар кўрилганлиги тўғрисида хабар олинди.

ЧЕГАРАДА НОТИНЧ АҲВОЛ

ДЕҲЛИ, 19 август (ТАСС). ПТИ агентлиги хабар беради: Ҳиндистон—Покистон чегарасидаги аҳвол ҳали ҳам нотинч. Покистон қўшинлари кейнги икки кун ичида Ҳиндистоннинг Мегхалайя штатидаги бир қанча районларда Ҳиндистон позицияларини бир неча бор ўққа тутдилар.

Агентликнинг маълумотларига қараганда, Горро-Хилла секторида бўлган отишма натижасида Покистон ҳарбий хизматчиларидан 8 киши ва Ҳиндистон ҳарбий хизматчиларидан 6 киши ўлдирилган.

Газеталарнинг хабар беришича, Покистон қўшинлари кеча аҳоли яшайдиган Сонамура пункти атрофида (Трипура штати территорияси) Ҳиндистон территориясини ўққа тутганлар.

РАВАЛПИНДИ, 19 август. (ТАСС). Маҳаллий радионинг хабар беришича, Покистон қўшинлари кеча Ражшаҳи районида (Ғарбий Бенгалия билан чегарадош жойда) Покистон — Ҳиндистон чегарасидан ўтган Ҳиндистон ҳарбий хизматчилари ротасини чекинишга мажбур қилганлар.

Радионинг хабар беришича, икки ўртадаги жанг вақтида Ҳиндистон ҳарбий хизматчиларидан 6 киши ўлдирилган ва 10 дан ортиқ киши ярадор қилинган.

ИРҚЧИЛАР ИСКАНЖАСИДА

Жанубий Африка Республикасида халқларни ирқий камситиш қоғозда нучайиб бормоқда. Бу сиёсат халқ ҳаётининг ҳамма ерида акс этиб турибди. Масалан, 16 ёшга етган африкалик камида 100 варақ келадиган гувоҳномага эга бўлиши керак ва уни ҳар доим ўзи билан бирга олиб юрмоғи лозим. Унда гувоҳнома эгасининг исми, келиб чиққан қабиласи, иш жойи кўрсатилган бўлиши лозим, унинг ташқи кўринишидаги ҳамма нарсалар аниқ ёзилган бўлиши, солиқларни тўлаганлиги тўғрисидаги қайдлар ва бошқалар кўрсатилиши лозим. Мабодо бирор африкалик ўз ёнида ана шу ҳужжатни олиб юрмаган бўлса дарҳол судга берилади, у ердан бир неча ой муддатга турмага жўнатилади. Одатда турмалардаги жазони ўтказиш муддатлари помешчикларнинг плантацияларидаги оғир меҳнат билан алмаштириб турилади...

Ирқчилликка асосланган давлат томонидан чиқарилган ана шу ҳужжат ҳақидаги қонун ва бошқа шунга ўхшаш қатор қонунлар фақат Африка аҳолисини гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш билан чегараланмай, ҳатто уларнинг шахсиятларини ҳам оёқ ости қилиб келмоқда. Масалан, Жанубий Африка Республикасининг ҳамма ерида африкаликлар албатта «фақат оқ танлилар учун» ёки «фақат европалик бўлмаганлар учун» деган сўзлар ёзилган тахтачаларга дуч келадилар. Кинотеатрларда, ресторанларда, магазинларда ҳамда оқтанлилар чўмиладиган пляжларда африкаликлар учун ажратилган жойлар тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Чунки бу жойларнинг ҳаммасида қоратанлилар иложи борича тахқирланадилар. Шунингдек шаҳар автобусларида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Масалан, яшил автобусларда қоратанлилар, қизил автобусларда эса оқтанлилар юриши шарт.

Ишчиларга тўланадиган иш ҳақида ҳам катта тафовут бор. Масалан, ойлик ишчиларнинг оқ-қоралигига қараб белгиланади. Масалан, ишчилардан бирор ниши озроқ қоратанли бўлса ойлиги ҳам шунча камаяди, учдан ҳам қорароқ бўлса, иш ҳаки яна камроқ тўланади. Оқтанли ишчилар африкаликларга ёки осиёликларга нисбатан 7-8 марта кўп иш ҳаки олади.

Африкада озчиликни ташкил этган оқтанлиларнинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари қўлларидан келган ҳамма воситалардан фойдаланмоқдалар. Чунки улар африкаликларнинг ўз ҳақ ва ҳуқуқлари учун курашишларидан, ҳокимиятни ўз қўлларига олишларидан қаттиқ қўрқадилар.

Жаҳондаги барча прогрессив инсоният Жанубий Африка Республикасидаги фашист режимини қаттиқ қораламоқдалар ва унга лаънатлар ўқимоқдалар, шунингдек улар Жанубий Африка Республикасида амалга оширилаётган разил қонунларга чек қўйилишини талаб қилмоқдалар. Суратда: қоратанли чиши қора ишни бажармоқда. Жанубий Африка Республикасидаги заводлардан бирининг дарвозаси тепасида ана шундай сўзлар ёзилган: «Фақат қоратанлилар учун».

«Дейли Уорлд» газетасидан олинган сурат. ТАСС фотохроникаси.

Редактор М. КОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3% ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИ

41 ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1971 йил 15 август Гомель шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма ўттиз беш разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100581	08*)	500	128693	1—50	40	168699	34*)	500
100797	44*)	500	128945	1—50	40	168860	13*)	1.000
100862	05*)	1.000	129199	46*)	500	169237	1—50	40
100945	21*)	1.000	130067	12*)	500	169612	1—50	100
102495	09*)	500	130139	02*).	1.000	169650	44*)	500
102592	1—50	40	130804	1—50	40	170218	45*)	500
102888	48*)	500	131954	1—50	40	170934	47*)	500
103281	46*)	500	132256	02*)	500	170957	07*)	500
104491	14*)	2.500	132384	44*)	500	171904	06*)	500
104538	50*)	500	132650	1—50	40	173477	23*)	500
104850	12*)	500	133488	23*)	500	174524	16*)	500
105022	13*)	500	135931	30*)	500	175348	32*)	500
106046	37*)	500	136559	39*)	500	175473	32*)	1.000
106079	31*)	500	137670	1—50	100	175889	16*)	500
106330	42*)	500	138575	1—50	40	177172	1—50	100
106866	12*)	500	140797	38*)	500	177573	26*)	5.000
107186	08*)	500	140831	24*)	500	177664	14*)	2.500
107266	23*)	500	141060	23*)	500	178181	17*)	500
107340	45*)	500	141080	1—50	40	178599	35*)	500
107866	23*)	500	141150	49*)	1.000	179276	39*)	500
108220	18*)	500	141600	1—50	100	179434	1—50	40
108337	17*)	500	143502	1—50	100	179749	19*)	5.000
108425	15*)	500	143995	19*)	500	179810	22*)	500
108800	1—50	100	144118	40*)	500	180615	24*)	500
109030	23*)	500	144525	1—50	40	180769	38*)	500
109344	14*)	500	144734	31*)	1.000	180977	46*)	500
110043	04*)	500	145701	29*)	500	181342	11*)	1.000
110276	1—50	40	146399	43*)	500	182042	1—50	100
110533	47*)	500	147592	10*)	500	182056	1—50	100
111582	36*)	500	148494	27*)	500	182072	42*)	1.000
112354	32*)	1.000	149461	1—50	40	182393	13*)	500
113406	17*)	500	150179	1—50	40	182722	34*)	500
113835	1—50	100	150575	1—50	40	184821	1—50	40
114385	29*)	500	150973	1—50	40	185064	41*)	500
114445	29*)	1.000	151557	1—50	100	185365	1—50	40
114634	27*)	500	151914	39*)	500	185689	1—50	40
115270	49*)	500	152612	1—50	40	185995	11*)	500
115326	05*)	500	153624	43*)	500	186089	35*)	1.000
115358	41*)	500	154393	1—50	100	186480	39*)	500
116388	46*)	500	157371	33*)	1.000	186727	49*)	1.000
117358	1—50	40	157762	49*)	500	187178	28*)	500
118119	05*)	2.500	157984	08*)	1.000	187754	06*)	500
118523	1—50	40	158629	48*)	500	187824	15*)	500
119547	34*)	500	158675	04*)	500	188713	21*)	2.500
120023	1—50	40	159169	1—50	40	191155	27*)	500
120770	19*)	500	160574	05*)	500	191629	18*)	500
121812	1—50	40	160635	17*)	500	192108	34*)	1.000
122068	21*)	500	160962	37*)	500	192333	1—50	100
122672	11*)	500	163111	30*)	500	192440	07*)	500
123113	12*)	500	163238	1—50	40	192610	1—50	40
123126	1—50	40	164137	1—50	40	193238	02*)	2.500
123487	1—50	40	165332	21*)	1.000	194046	43*)	500
123784	29*)	500	165375	21*)	500	194253	47*)	1.000
124156	09*)	500	165390	1—50	40	194618	21*)	500
126378	1—50	40	165421	31*)	500	194732	50*)	500
126431	1—50	100	166184	24*)	500	194764	1—50	40
127160	1—50	40	166298	14*)	500	195488	03*)	1.000
127745	44*)	500	166384	1—50	40	195608	42*)	500
127905	30*)	500	166515	39*)	500	197736	13*)	500
127985	24*)	500	166824	39*)	500	197865	1—50	40
128444	38*)	500	167306	1—50	100	197875	34*)	1.000
128537	13*)	500	167805	45*)	500	199038	1—50	40
128604	04*)	500	167903	1—50	100			

* Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларни ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — меҳнаткашлар депутатлари Гомель область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Н. КУРЧИНА.

Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

23 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. **Футбол:** «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Тбилиси). **Узбек тилида:** 20.45 — Ахборот, 21.00 — Телевизион новеллалар театри, 22.00 — МОСКВА. **Футбол:** «ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ДИНАМО» (Киев), 2 тайм 22.45—Фильм-концерт, 23.30 — **Футбол:** «СПАРТАК» (Москва) — «АРАРАТ» (Ереван), 2 тайм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 18.00 — Телефильм, 17.30 — Ҳужжатли фильм, 19.00 — МОСКВА, 22.00 — ТОШКЕНТ: **«Улий мавсум»** (бадиий фильмнинг 1-2 сериялари).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ, 22.00 — МОСКВА.

24 АВГУСТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 19.05 — Хайр, жонажон лагер, 19.30 — Ахборот, 19.40 — Беш йиллик республика бўйлаб кезади. **Узбек тилида:** 20.05 —Ахборот, 20.20 — Қозоқ шоирларининг шеърлари, 20.35 — Концерт, 21.10 — Ҳамма нарса пахта теримига шайми? 21.35 — **Сенинг замондошинг** (бадиий фильм). 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ҳужжатли фильм, 18.25 — Телекомпозиция, 18.45 — Реклама, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** **Али Бобо ва қирқ қароқчи,** 18.30 — **Темирчи Кова** (бадиий фильм). **Рус тилида:** 20.05 — Концерт. 20.45 — Телефильм, 21.15 Реклама. 21.25 — **Фильм-опера.**

25 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 18.00 — Биз биринчи синф ўқувчилари, 18.25 — Ахборот. **Узбек тилида:** 18.35 — Миллионлар ленинча университети, 18.50 — Мухиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон филармонияси хор капелласининг концерти, 19.30 — Ахборот, 19.45 — Шериат мухлисларига, 19.55— **Бадиий фильм,** 20.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА, 21.40 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** Ярим аср йилномаси. 1948 йил, 22.30 — Янги массив жамоли, 22.45 — Найтароналари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** кинофильм, 18.45 — **Отни ким эгарлайди?** (бадиий фильм), 20.00 — Врач маслаҳати, 20.15 — Фильм-концерт, 21.00 — Телеспектакль.

26 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 19.05 — Рангли телевидение. Фотиманинг саргузашти (қўғирчоқ театри), 19.40 — Ахборот (рус тилида), 19.55 — Съезддан-съездгача, 1970 йил, 20.45 — Ахборот, 21.00 — Ўзбекистон чорвадори, 21.30 — Мукимий номли музикали театр спектаклларидан саҳналар. 22.45 — **Сўнгги пушаймон** (бадиий фильм), 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Кинофильм. **Рус тилида:** 18.20 — Адабий композиция, 18.45 — Реклама, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** кинофильм 18.30 — **Саҳий одамлар** (бадиий фильм), 19.50 — Врач маслаҳати. **Рус тилида:** 20.05 — **Стюардесса** (телевизион бадиий фильм), 20.40 — Кинокўрсатув, 22.00 — **Галина Уланова** (ҳужжатли фильм).

27 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 19.05 — Ахборот, 19.20 — **Эски таниш** (кинокомедия). **Узбек тилида:** 20.45 — Халқ контроли экрани, 21.15 — Ахборот, 21.30 — Бир келиб кетинг, қишлоғимизга, 22.35 — **Резидентнинг тақдири** (бадиий фильм, 1 серия), 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 18.00 — Кинофильм, 18.30 — Эстрада концерти, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** **Кобра операцияси** (бадиий фильм), 19.30 — Телефильм, 19.50 — Концерт. **Рус тилида:** 20.30 — Тўлқинда-02, 21.00 — **Композитор Глинка** (бадиий фильм).

28 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.45 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида,** 9.50 — **Чет эллик қиз** (бадиий фильм). 10.55 — МОСКВА, 16.55 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 17.00 — Мультфильм 17.10 — Бойчечак, 17.45 — Ахборот, 18.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — СКА (Ростов-Дон). 19.45 — МОСКВА. Спектакль, 22.00 — Вақт, 22.30 — **Футбол:** ЦСКА — «ЗАРЯ» (Ворошиловград), 2-тайм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — **Бобо, Калиан ва Мен** (бадиий фильм), 15.45 — МОСКВА. Фан оламида, 16.15 — Учрашув, 17.00 — Куз новелласи, 17.45 — РСФСР халқ артисти В. Левко концерти, 18.30 — Тележурнал, 19.00 — Рангли телевидение. **Футбол.** «СПАРТАК» (Москва) — «НЕФТЧИ» (Боку), 2-тайм, 19.45 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга, 20.15 — Ҳужжатли фильм, 20.45 — Ўзбек қуйларидан концерт, 21.25 — **Шафқатсизлик** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — «Гулхан». Телевизион журнали, 19.00 — МОСКВА, 19.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ, 22.00 — МОСКВА.

29 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.45 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 9.50 — **Ҳаёлпарастлар** (бадиий фильм), 10.55 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Қизил галстук. **Рус тилида:** 18.40 — Юлдузча, 19.10 — Ахборот. **Узбек тилида:** 19.30 — Шахтёрлар кунига бағишланган кўрсатув, 20.30 — Телеочерк, 20.40 — **Резидентнинг тақдири** (бадиий фильмнинг, 2-серияси). 21.50 — Дала ишлари кундалиги, 22.10 — Ахборот, 22.30 — Эстрада шинавандалари сизлар учун, 23.40 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 16.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ, 18.00 — **Футбол:** «ОЛГА» (Фрунзе) — «ЛОКОМОТИВ» (Москва) 2-тайм, 19.55 — **Уш кўрсатади,** 21.30 — МОСКВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 10.00 — **«Каштанка»** мультфильм, 10.30 — Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси олдидан, 10.55 — МОСКВА, 16.55 — ТОШКЕНТ, 17.00 — **Узбек тилида:** **«Инжиқ малика».** Болалар учун мультфильм, 17.20 — Ахборот. **Рус тилида:** 17.35 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! 17.50 — Ғазалхон ёшлиғим «ЕШЛИК» студияси кўрсатади, 18.30 — Ахборот, 18.45 — Телефильм, 19.00 — Еш ижрочилар концерти, 19.50 — Ҳужжатли фильм, 20.25 — Кўрсатувлар программаси, 20.30 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** **«Ассалом, болалар»** бадиий фильм, 12.25 — Ҳужжатли фильм, 15.00 — МОСКВА, 20.30 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** **«Икки ҳаёт»** (Бадиий фильмнинг 1-серияси), 22.05 — Физкультура ва спорт. Тележурнал, 22.35 — **Разно Шарипова** куйлайди, 23.10 — **«Икки ҳаёт»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.35 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/VIII да **Фарғона тонг отгунча,** 22/VIII да **Лақма.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Менинг охирги тангоим — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳомий — «ҲАМЗА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Утган ёз — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (арталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 да).

Графиня Коссель — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч соат 8 да).

Успиринлар (2 серия ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 9 да), — **Эрнаклар** ёзи (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Резервдаги қаҳрамон — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Коммисарлар — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Пеппи узун пайпоқ — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Яшасин севги! — ТЕЛЬМАН номли.

Ҳамроз — НАВОИЙ номли.

Менинг охирги тангоим — «ФЕСТИВАЛЬ».

28, 29 АВГУСТДА ФАРҒОНА ШАҲРИДА

Узбекистон ССР пул-буюм лотерея ютуқларининг 1971 йилги

4-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28. Редактор — 336543, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назарияси ва пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332636, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Ставографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 192. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 04354.